

ORIENTAL JOURNAL OF ACADEMIC AND MULTIDISCIPLINARY RESEARCH



Volume 2 Issue 2
February
2024

ISSN 3030-3079



Босит Мусаев ва Мұхаммадвафо Бақоевларнинг хусравшунослик бобида бажарилган илмий ишларининг қиёсий таҳлили

С.Х.Хўжақулов

Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат
университети Тожик филологияси ва хорижий Шарқ
тиллар кафедраси мудири, ф.ф.д. (DSc).

Ш.Ж. Ярашов

Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат
университети Тожик филологияси ва хорижий Шарқ
тиллар кафедраси асистенти, филология фанлари
бўйича фалсафа доктори (PhD).

ARTICLE INFO

Received: 09th February 2024
Accepted: 09th February 2024
Online: 10th February 2024

КАЛИТ СЎЗЛАР

манбашунослик,
матншунослик,
адабиётшунослик,
тилшунослик, лирика,
лексик, семантик, тимсол,
рамз, мажоз, бадиий тасвир,
образ, эпика, танқидий матн,
девон, достон, ғазал

Б.Мусаев изланишларининг сабаби шунда әдики, шоирнинг биринчи девони қандай аталиши маълум бўлса ҳам, унинг алоҳида қўллэзмаси дунё фондларида сақланиб қолганлиги маълум эмас эди. Бу ҳакда Б.Мусаев қуидагича изоҳ беради: "Тўрт девондан ҳар бирининг алоҳида-алоҳида қўчирилган нусхалари мавжуд бўлса ҳам "Тўхфат-ус-суғар"нинг алоҳида китобат қилинган нусхасини учратмадик". Шу боис Б.Мусаев Амир Хусравнинг биринчи девонига тегишли ғазалларни алифбе тартибидаги девон нусхалари ичидан ажратиб олишга мажбур бўлган. Зеро, шоир лирик мероси қўллэзма нусхалари ниҳоятда кўп бўлиб, уларнинг барчасида Амир Хусрав Дехлавий девонларининг ғазал ва бошқа турли лирик жанрларга тааллуқли асарлари алифбе тартиби асосида аралаш тарзида жойлаштирилган. Б.Мусаев ва М.Бақоевларнинг фикрига кўра, Шарқ адабиётида алифбе тартиби асосида девон яратиш Амир Хусрав Дехлавий яшаган даврда анъана тусига кирмаган эди. Шу

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада Б.Мусаев ва М.Бақоевларнинг хусравшунослик бобида бажарилган илмий ишлари қиёсий тарзда ўрганилган. Икки буюк олимнинг шоир эпик ва лирик мероси тўғрисида амалга оширилган илмий ишлари, фараз ва мулоҳазалари қиёсий тарзда таҳлил этилиб, уларнинг бир-бирига ўхшаш ва фарқли жиҳатлари илмий жиҳатдан асослаб берилган. Бу икки олимнинг аксарият изланишлари манбашунослик, матншунослик, адабиётшунослик илмлари нуқтаи назардан амалга оширилганлиги таъкидлаб, шоир ижоди тилшунослик, айниқса, лингвопоэтик нуқтаи назардан ўрганилмаганлиги алоҳида таъкидланган.

боисдан шоир лирик меросининг алифбе тартибидаги барча қўлёзма нусхалари шоир яшаган даврдан кейинги асрларда тузилган. Бу қўлёзмалар ҳар хил ҳажм ва шаклларда мавжуд бўлиб, уларнинг ҳеч бирида алоҳида бир девоннинг таркибий қисми ва ё мукаммал мундарижаси тугал ҳолатда берилмаган. Шу боис Б.Мусаев шоир девонларининг фақатгина номи бору уларнинг аниқ таркибий мундарижалари номаълум деган хulosага келиб, мазкур фикрини тасдиқлаш учун Алишер Навоийнинг ўз вақтида "Фаройиб-ус-сиғар" девони дебочасида Амир Хусрав девонлари сони тўғрисида ёзган қуйидаги мулоҳазасини келтиради: *"Бир ўз асрида ганжи маънавий Мир Хусрав Деҳлавийни дерларким, сulton Маликишоҳ Алл Арслон отиға тўрт девон мураттаб қилмиш бўлғай ва хотимасини аниг оти била музайян этмиш бўлғай ва бу иш ул замоннинг яхши-ёмони қулогига етмиш бўлғай, агарчи бу сўз мазкурдур, аммо ул девонлар маъдумдир. Ва ул маъдумларнинг агарчи асомийси мавжуддур, аммо вужуди номаълумдур".* Бироқ Б.Мусаев Шарқ адабиётига оид айрим манбаларда Амир Хусрав Деҳлавий девонлари сонини 3 ва 4 адад миқдорида берилганлигини хато ҳисоблаб, уларнинг ҳақиқий сонини 5 та деб билади. Бошқа хусравшунос олим М.Бақоев ҳам айнан шу фикрда. М.Бақоев бу борада ниҳоятда катта қўламли ишларни амалга оширишни ният қилганлиги маълум, лекин бу соҳадаги изланишларини охиригача етказаолмаган. Шундай бўлса ҳам масаланинг таажжубли жиҳати шундаки, М.Бақоев тадқиқотларида Амир Хусрав Деҳлавий девонларининг таркибий қисми ва мукаммал мундарижаси аниқ тарзда белгилаб берилган. Жумладан, шоирнинг 32 ёшида тузган "Васат-ул-ҳаёт" девонида (М.Бақоев 20 ёшлигидан 34 ёшигача ёзган шеърлари кирган, деб ёзади) 10 таржеъбанд, 40 қитъа, 3 маснавий, 314 ғазал, 262 рубоий мавжудлигини айни шоирнинг ўзи бир қитъасида эътироф этганлигини кўрсатиб ўтади. 1294 йилда тартиб берилган 3 девон "Фуррат-ул-камол" да 92 қасида (3500 байт), 6 таржеъбанд (380 байт), 143 қитъа (608 байт), 13 маснавий (1700 байтдан ортиқ, шу жумладан, 750 байтли "Мифтоҳ-ул-футух" тарихий достони), 203 ғазал (1840 байт), 420 рубоий (840 байт) мавжудлиги қайд этилган. 4 девон "Бақияи нақия" нинг таркибий қисми шоирнинг мазкур девон умумий жанрлари миқдорини ўзида мужассам этган алоҳида қитъаси [39,163] мазмунига кўра 63 қасида, 6 таржеъбанд, 240 қитъа (608 байт), 165 байт маснавий, 570 ғазал, 360 рубоий - жами 8360 байтдан иборат эканлиги маълум қилинган. Ҳақиқатан ҳам қитъа маҳсус "Бақияи нақия" девонининг яратилиш тарихи ва таркибий мундарижаси тўғрисида ёзилган. Шоир вафотидан бир неча ой олдин тузилган "Ниҳоят-ул-камол" девони таркиби 23 қасида (1159 байт), 6 таржеъбанд (246 байт), 27 қитъа (113 байт), 4 маснавий (265 байт), 267 ғазал (2217 байт), 42 рубоий (84 байт) - жами 4084 байтдан иборат

эканлиги аниқланган, аммо бу сафар манба кўрсатилмаган. Келтирилган маълумотлардан маълум бўладики, тожиқистонлик хусравшунос олим ҳам шоир лирик мероси юзасидан жиддий изланишлар олиб борган, аммо бу ишни охирига этказа олмаган. Фақатгина "Гуррат-ул-камол" девонининг таркибий мундарижаси шоирнинг собиқ иттифоқ кутубхоналарида сақланган қуллиёти ва мазкур девон нусхалари асосида (айнан қайси қўлёзма эканлиги кўрсатилмаган бўлса-да) аниқлаган. Бу ўринда шоирнинг ўзи алоҳида қитъалар ёзиб, девонларидаги шеърларнинг жанрлари ва уларнинг миқдорларини аниқ кўрсатиб ўтганлиги унинг ўз ижод самаралари келгуси авлодга мукаммал етиб боришига жиддий эътибор қаратганлигини билдиради. Аммо гап шундаки, олимнинг таъкидлашича, қитъаларда кўрсатилган ғазал ва рубойй жанрлари умумий миқдори бу девонларнинг бизга маълум нусхаларида кўп ҳолатда юқоридаги рақамларга мувофиқ келмайди. Масалан, агарчи ижодкорнинг ўз эътирофига кўра 5 девондаги умумий ғазаллар миқдори 1486 та бўлиб чиқса-да, Санкт-Петербургдаги Давлат халқ кутубхонасининг Шарқ қўлёзмалари фондида сақланувчи 2 "Куллиёт" - Дорн №387 да 1864 ғазал ва Дорн №386 да 2000 га яқин ғазал мавжудлиги аниқланган. ЎЗФАШИ махзанидаги 2114 инвентар рақамли қўлёзмада эса ундан ҳам ортиқ 2169 ғазал аниқланган. Б.Мусаевнинг 6 девон ҳақидаги фарази айни шундай номувофиқликларга таяниб олға сурилган, дейиш мумкин. Хулоса шуки, бу соҳа билан келгусида жиддий шуғулланишга бел боғловчилар олдида ўта жиддий муаммолар турганлиги аниқ.

Б.Мусаев Амир Хусрав Дехлавий лирик меросининг Тошкент, Самарқанд, Қўқон, Москва, Ленинград, Боку, Душанбе, Британия, Лондон, Париж, Ҳиндистон, Эрон, Кобул, Бирлашган Араб республикаси, Туркия ва Берлин каби мамлакатлар музейлари ва кутубхоналарида сақланаётган кўплаб нусхаларига таянган бўлса-да, М.Бақоев тадқиқотларида келтирилган маълумотлар каби шоир девонлари мундарижасига оид аниқ маълумот келтира олмаган. Шоир биринчи девони таркибидаги 132 ғазалнинг танқидий матнини яратишда асосан уч манбаъ "Ленинград давлат университети Шарқ факультети М.С. 094, Инв. №1622, Куллиёт, 885/1481 йил, СССР Фанлар Академияси Осиё халқлари институти Ленинград бўлими, В 169, Куллиёт-Девон, 981/1573 йил ва Британия музейи, Add 25807, Куллиёт-Девон, (таксимин) XVI асрда кўчирилган нусха" дан унумли фойдаланганини таъкидлайди. Б.Мусаев "Тўҳфат-ус-сиғар" девони таркибидаги бошқа жанрлар ҳақида умуман маълумот бермаса-да, мазкур девон ғазалларининг матнини танқидий ўрганиб, 7 ўринда Султоний тахаллусининг Хусрав тахаллусига ўзгартирилганлиги, 163 байтнинг тушиб қолганлиги, 14 байтнинг ўзгалар томонидан қўшилганлиги, тузилган танқидий матнда

132 ғазалнинг 957 байтдан иборат эканлиги, улардан 2 ғазал 7 байтли, 17 ғазал 5 байтли, 24 ғазал 6 байтли, 42 ғазал 7 байтли, 15 ғазал 8 байтли, 21 ғазал 9 байтли, 5 ғазал 10 байтли, 5 ғазал 11 байтли, 1 ғазал 12 байтли эканлиги, 87 та ғазалда Хусрав тахаллуси ва 20 та ғазалда Султоний тахаллуси зикр этилганлиги, қолган 25 ғазалда тахаллус йўқлиги, 99 ғазалда тахаллус мақтаъда бўлса, 8 ғазалда мақтаъдан олдинроқда келтирилганлиги тўғрисида ўта муҳим статистик ва илмий аҳамиятга молик бўлган аниқ маълумотлар беради. Бироқ бу икки хусравшунос олим тадқиқотларида “Тўхфат-ус-сиғар” девонидаги ғазаллар сони 132 та (бир хил) бўлса-да, ғазаллар байтларининг умумий миқдорида фарқлар кузатилади. Яъни Б.Мусаев мазкур девон ғазалларининг умумий байтлар сонини 957 тага teng деб билса, М.Бақоев улар сонини 900 байтдан иборат деб билади. Натижада ўртадаги фарқ 57 байтни ташкил этади. Бизнингча, бу тўғрида Б.Мусаев хulosалари ҳақиқатга яқин ҳисобланади. Зоро, олим Амир Хусрав лирик мероси қўлёзмаларини кўплаб нусхалари асосида мазкур масалага ойдинлик киритган.

Б.Мусаев ўзининг бу соҳадаги илмий изланишлари асосида Амир Хусравнинг асосий беш девонига киритилмаган кўпсонли ғазаллари бор ва у ғазаллар олтинчи девонни ташкил қиласди деган хulosага келар экан, аммо “олтинчи девонига киритилган ғазаллар миқдори ҳақида ҳеч нима дея олмаймиз”, деб ёзади. М.Бақоев Амир Хусрав Дехлавийнинг беш девони таркибига киритилмаган ғазаллари борлигини эътироф этса-да, Б.Мусаевнинг юқоридаги хulosасига қарши чиқиб, шоирнинг олтинчи девони борлигини қатъиян инкор этади. Унинг тахмин қилишича, Амир Хусрав ўзининг бешинчи девони яратилганидан бир неча ой, яъни ярим йил ўтмасдан оламдан ўтган. Бу ҳолат Б.Мусаев томонидан аниқ тарзда, яъни “сўнгги девондаги асарлар шоир вафотидан 2 ой олдин тўпланган” деб айтилади. Шу сабабдан М.Бақоев шоирнинг икки ой, яъни бу қисқа муддат ичida ўзининг қариган даврида олтинчи девон тузишига шубҳа билан қарайди. Бошқа жиҳатдан Амир Хусрав тўртинчи ва бешинчи девонлари яратилиши оралиғида ўзининг “Нўҳ сипеҳр” ва “Туғлуқнома” маснавийларини ёзганини таъкидлаб, бу даврда шоирнинг бошқа девон тузганлигини инкор этади. Хусравшунослик бобидаги бирон бир бошқа манбаларда ҳам шоирнинг олтинчи девони борлиги тўғрисида маълумотлар келтирилмаган. Фақатгина унинг беш девонига киритилмаган айrim ғазаллари тўғрисида ишоралар бор, холос. Бу масалада М.Бақоевнинг фикрлари ҳақиқатга яқинроқ.

Б.Мусаев Амир Хусрав Дехлавий лирик мероси соҳа тадқиқотчилари назаридан четга қолганлигини “шоир девонларининг илмий-текшириш манбаи вазифасини ўтай оладиган ишончли нусхаси йўқлиги сабаб бўлса керак” деган тахминий фаразни илгари сурган.

Лекин бу шунчаки юзаки қараш бўлмасдан унинг замирида нечоғлик ҳақиқат ётганини пайқаш қийин эмас. Ҳозиргача шоир барча девонларининг илмий-танқидий матнлари яратилмаганлигининг асосий сабаби ҳам шунда. Б.Мусаев ҳам ўзи тузган “Тўхфат-ус-сиғар” девони ғазалларининг илмий-танқидий матнини энг ишончли вариант деб эътироф этмайди, аксинча “бу танқидий матнни абсолют матн деб даъво қилмаймиз. Чунки шоир замонасида қўчирилган ёки шоир яшаган даврда тартиб қилинган нусхалардан қўчирилган мўътабар ва мукаммал қўллэзмалар топилгудай бўлса, улар янада янги материаллар бериши ва аниқланган 132 та ғазаллар сонига ўзгартириш киритиши мумкин” лигини таъкидлайди. Аммо ҳар ҳолда ҳозирги кунда шоир биринчи девони ғазалларининг энг ишончли илмий-танқидий матни айнан мазкур танқидий матн ҳисобланади. Шу боисдан ҳам биз кўпроқ ушбу манбага таяндик.

Бу икки хусравшунос олим, яъни Б.Мусаев ва М.Бақоевларнинг Амир Хусрав Дехлавий лирик мероси тўғрисидаги фикр ва қарашларини қиёсий тарзда ўрганиш ва таҳлил этиш шундай хулоса берадики, ҳозиргача шоир лирикаси соҳа тадқиқотчилари томонидан атрофлича тадқиқ этилмаган. Уларнинг мулоҳазалари шоир лирик мероси тўғрисида яқуний хулосалар ҳисобланмаса-да, кўп жиҳатдан бир-бирига монанд ва айрим ҳолларда муқобил тарзда келтирилган. Ҳар ҳолда буларни мазкур масалага оид энг муҳим илмий аҳамиятга молик бўлган қарашлар сифатида эътироф этиш мақсадга мувофиқ.

Бизнинг илмий ишимиз ҳам бу соҳада илк тажриба сифатида Б.Мусаев томонидан яратилган Амир Хусрав Дехлавий “Тўхфат-ус-сиғар” девони ғазаллари илмий-танқидий матни асосида амалага оширилган бўлиб, шоир қолган девонларининг энг ишончли илмий-танқидий матнларини яратиш ва мукаммал мундарижасини аниқлаш масалаларини кейинги илмий ишларимиз доирасида муфассал тарзда тадқиқ этишни мақсад қилиб қўйганмиз.

Шоир лирик шеъриятининг кўплаб муаммо ва масалаларини, Амир Хусрав Дехлавий томонидан яратилган беш девондаги ғазалларнинг лингвопоэтик таҳлили битта тадқиқот доирасида мутлақо имконсиз эканлигини инобатга олиб, фақатгина “Тўхфат-ус-сиғар” девони таркибидаги ғазалларига мурожаат қилиш билан кифояландик.

Адабиёт:

1. Бақоев М. Ҳаёт ва эҷодиёти Хусрави Дехлавӣ. -Душанбе: Дониш, 1975. -278 с.
2. Бақоев М. Ҷомӣ ва Хусрав: дар китоби Абдураҳмони Ҷомӣ / М. Бақоев. - Душанбе: Ирфон, 1965. -137-148 с.

3. Бақоев М., Додалишоев Җ. Амир Хусрави Дехлавӣ. Осори мунахаб. Ҷилди чаҳорум. -Душанбе: Ирфон, 1975.
4. Мусаев, Б.М. Текстологическое исследование газелей "Тухфат-ас-сигар" Амир Хосрова Дехлави. Автореф. дис. канд. филол. наук. - Ташкент, 1969. -стр. 23.
5. Имомназаров М. Хусрав Дехлавий эпик ижодида бадиий метод ва поэтика масалалари. Филол. фан. док. дис. автореф. 1986.
6. Қуронбеков А. Амир Хусрав Дехлавий "Онаи Искандарий" достонида исмлар туркумидаги сўзларнинг статистик-семантик таҳлили. Филол. фан. ном. дис. автореф. 1988.
7. Нарзиқул М. Трактат Амир Хусрова Дихлави "Эъджази хусрави" ("Чудо Хусрава") и традиции эпистолярного жанра в истории персидско-таджикской литературы (X-XIV вв.). Автореф. дис. док. филол. наук. -Душанбе, 2009. -стр. 55.

